

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАРИМҚУЛОВ НОДИРБЕК АБДУЖАЛИЛОВИЧ

**БОЛАЛАР ЮЗ СОҲАСИ ГЕМАНГИОМАСИНИ КАМҚОНЛИК
БИЛАН БИРГА КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Каримкулов Нодирбек Абдужалилович

Болалар юз сохаси гемангиомасини

камқонлик билан бирга кечишининг клиник

хусусиятлари ва даволаш тактикаси..... 3

Каримкулов Нодирбек Абдужалилович

Клинические особенности и тактика

лечения гемангиом области лица

у детейсопутствующей анемией..... 25

Karimqulov Nodirbek Abdusalilovich

Clinical features and tactics of treatment

of hemangiomas of the face area in children

with concomitant anemia..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 48

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАРИМҚУЛОВ НОДИРБЕК АБДУЖАЛИЛОВИЧ

**БОЛАЛАР ЮЗ СОҲАСИ ГЕМАНГИОМАСИНИ КАМҚОНЛИК
БИЛАН БИРГА КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1728 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Садиков Расул Рустамович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Абдуазим Абдувалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шаназаров Насрулла Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**П.А. Герцен номидаги Москва Онкология
илмий текшириш институти
(Россия Федерацияси)**

Диссертация химояси Самарқанд давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc./PhD.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил «19» сентябр кuni соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси 18-уй. Тел./факс: (99866)-233-07-66; e-mail: sammu@sammu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси 18-уй.. Тел./факс: (99866)-233-07-66; e-mail: sammu@sammu.uz.

Диссертация автореферати 2024 йил « ____ » _____ кuni тарқатилди
(2024 йил « ____ » _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)



Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Т. Насретдинова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда юз-жағ соҳаси ўсмаларининг 25,5% болаларда кузатилади. Болалар онкопатологиясида гемангиомалар учраш частотаси бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Гемангиомалар – бу хавфсиз келиб чиқишга эга қон томир ўсмаси бўлиб, тез ўсиш ва атрофдаги тўқималарга инвазия билан характерланади, айниқса бола ҳаётининг дастлабки 18 ойида. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БЖССТ) маълумотларига кўра гемангиома 100 минг аҳолига 160-190 нафарни ва бу касаллик сабабли ўлим кўрсаткичи 2,1% ни ташкил қилади¹. Ўзбекистонда бу кўрсаткич ҳар 100 минг аҳолига 19-23 нафарга тўғри келади². Юз-жағ соҳасида учрайдиган гемангиомалар 18% ҳолатларда бирламчи ногиронликка сабаб бўлади. Ногиронликка олиб келувчи сабаблардан яна бири сифатида касалликни ўз вақтида аниқланмаганлиги кўрилади. Касаллик 10-55% тана, 20-25% ҳолатларда ижтимоий соҳа, инсон табиати, ижтимоий фаолияти ва боланинг ривожланишига салбий таъсир қилиб, шахс сифатида ривожланишини издан чиқаради.

Жаҳонда болалар юз-жағ соҳаси гемангиомасини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш мақсадида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада янги туғилган чақалоқлар ва болаларда гемангиома сабабли ўлим ва ногиронликни камайтиришда касаллик ҳолатларини динамик хусусиятлари, унинг жойлашуви ва даво тактикасини ишлаб чиқишдаги самарали ва замонавий тиббий усулларни қўллаш соғлом келажакни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ёндашув ва қаратилаётган эътибор ушбу тизим ҳолатини жаҳон стандартларига мослаштириш ва аҳоли орасида аниқланаётган турли патологик ҳолатларда мақсадли йўналтириш ва замонавий даво чоратadbирларни ўтказишга қаратилган. 2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясида етти та устувор йўналиш бўйича аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари белгиланган. Ушбу ҳаракатлар натижасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланишига ва 90% гемангиомаларни эрта аниқлашга эришилмоқда. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, болалар юз соҳаси гемангиомалари юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Гемангиомаларга боғлиқ бир қатор халқаро илмий изланишлар олиб боришига қарамай, гемангиоманинг келиб чиқиши ҳақида тўлиқ маълумотлар аниқланмаган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, гемангиома асосан бош ва бўйин соҳада (70% гача)

¹Перловская В.В., Сапухин Э.В., Козлов Ю.А. Использование эндовидеохирургической техники для лечения детей с обширными дефектами кожи методом экспанدرной дермотензии. // Детская хирургия. № 6 / том 18 / 2014:401-6

²Karimov M.A., Mamarasulova D.Z., Sadykov R.R., Nurmatova Kh.Kh. New approaches in the diagnosis of oral hemangiomas.//The American journal of medical sciences and pharmaceutical research. Volume 02. Issue 8. 2020. P.50-57

жойлашади, улар боланинг ташқи кўриниши ўзгаришидан токи хусн бузилиши каби косметик нуқсонлар билан кузатилади. Юз соҳасида жойлашган гемангиома асосан қон кетиш, инфекцияланиш, ҳаётий муҳим аъзолар фаолиятининг бузилиши, хусн бузилиши каби асоратлар кўринишида, шу билан бирга бемор жамиятдан ажралиб қолиш каби муҳим ижтимоий муаммолар кузатилади. Юқорида санаб ўтилган долзарб муаммолардан келиб чиқиб, ушбу патологияни эрта аниқлаш, замонавий каминвазив ва радикал даволаш алгоритмларини ишлаб чиқишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон қарори билан тасдиқланган вазифалар ижросига маълум даражада хизмат қилмоқда, 2018 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жарроҳлик хизматни ўзгартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, худудларда жарроҳлик амалиётларини сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш тўғрисида”ги 2021-йил 4-октябрдаги ПҚ-5254-сон ҳамда “Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли қарори ҳамда ушбу соҳага оид бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бизнинг мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган кенг кўламдаги чора - тадбир дастурлари амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ҳаракатлар натижасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланди ва бугунги кунда 90% гемангиомаларни эрта аниқлашга муваффақ бўлинди (Садыков Р.Р., 2021). Ўтказилган илмий изланишлар натижаларида касаллик ривожланишида ирсият омилининг ўрни, шу билан бирга ҳомиладорлик даврида ностероид яллиғланишга қарши дори воситалари гуруҳига кирувчи препаратларини қабул қилиш, юз соҳаси гемангиомаси учраш частотасининг ортиши аниқланди (Kalanjeri S. 2016). Ҳомиладорлик даврида ўтказилган парагрипп инфекцияси қон-томир яхши сифатли ўсмалари ривожланишининг ортиши билан исботланди (Dabó H. ва бош., 2016).

Шунингдек, гемангиома ўсишининг пролифератив даврида жарроҳлик амалиёти 45 % ҳолатларда асоратланишнинг қайталаниш частотаси 85 % ҳолатларда кузатилди (J. Mulliken ва O. Enjolras). Гарчи ҳозирги кунда қон-томир яхши сифатли ўсмаларини медикаментоз даволашнинг янги имкониятлари топилган бўлсада (Huntington J.T., 2015), жуда кам кузатувчилар ушбу даволаш усулини такомиллаштиришни ёзиб

қолдирмоқда. М.Маттаси изланишлари яхши сифатли қон-томир ўсмаларини даволашда лазерли ФДТ самарадорлигини исботлади.

Муаллифларнинг фикрига кўра, ҳозирги вақтгача гемангиомани даволаш амалиётларини ўтказиш бўйича аниқ кўрсатма мавжуд эмас. Туғилгандан 6-12 ойдан сўнг даволаш учун бориш мақсадга мувофиқ хисобланади (Перловская В.В, Сапухин Э.В., Козлов Ю.А). Ногиронлик гуруҳига кўра беморлар қуйидагича тақсимланган: 1-гуруҳ 56,5%, 2-гуруҳ 40,5% ва 3 гуруҳда эса 3%. Ногиронлик даражасини сабаблари ўрганиб чиқилганда, битмаган ёки трофик яралар қайталаниши 69,6%, ҳаракат тизими аъзолари, мимик мушаклар ва қафт бармоқлар ҳаракатини чекланиши 19%, оёқ ва қўллар ампутациялари 9% ташкил этади (Yu N, Long X.).

Адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили гемангиомани даволаш усулларини оптималлаштириш, илмий изланишларни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда, шу билан бирга бажарилган амалиётлардан кейин ҳам функционал, ҳам косметик натижалар асосий долзарб ва ечими топилиши керак бўлган муаммолигича қолмоқда, бу эса тактик ва техник жиҳатларни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши СС-ИТАБ-2018-10 «Болаларда гемангиомани эрта ташхислаш ва даволашда янги компьютер технологиялари ва маҳаллий ишлаб чиқариш ускуналарини жорий этиш» инновацион грант асосида амалга оширилди (2017-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади: юз соҳаси гемангиомалари бўлган болаларда, касалликни камқонлик билан бирга кечишида, лазерли технологиялардан фойдаланган ҳолда, даволаш тактикасини такомиллаштириш

Тадқиқотнинг вазифалари:

камқонлик билан кечувчи юз соҳаси гемангиомалари бўлган болалардаги касаллик частотаси ва характерини ўрганиш;

юз соҳа гемангиомаси ва камқонлик аниқланган болаларда патологик ўчоқни лазер билан нурлантиришда қоннинг ивиш кўрсаткичлари таҳлилинини ўтказиш;

анемия аниқланган болаларда, асоратланган гемангиомада консерватив давонинг дискоцитларга таъсирини ва гемангиомаларнинг веноз қон оқими динамикасини баҳолаш;

болаларда камқонлик билан кечувчи гемангиоманинг даво усулини такомиллаштириш ва даво самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти: сифатида Тошкент шаҳар 1-сон шифохонаси, Андижон давлат тиббиёт институти “Онкология ва тиббий радиология” бўлимида текширилган ва даволанган 110 нафар беморлар бўлиб, улардан 65 нафари асосий гуруҳ беморлар Тошкент шаҳар 1-сон шифохонаси ва Андижон давлат тиббиёт институти “Онкология ва тиббий

радиология” бўлимида даволанган, 45 нафари қиёсий гуруҳдаги юз соҳаси гемангиомаси билан оғриган ва камқонлиги бўлган болалар.

Тадқиқотнинг предмети сифатида анемия фонидаги беморларни юз-жағ соҳаси гемангиомалари, фотодинамик самара ва индукцияланган флуоресценсга асосланган янги маҳаллий терапевтик ва диагностик даволаш усуллари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумклиник, инструментал (флуоресценция), биокимёвий, морфологик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор камқонлик фонида гемангиомаларни даволашда инфрақизил диапазондаги паст интенсив лазеротерапия деструкциясидан фойдаланган ҳолда даволаш усули такомиллаштирилган;

камқонлик билан кечувчи асоратланган гемангиомаларни лазерли нурланишдан кейинги даврда периферик қон таркибидаги дискоцитларнинг дегенератив ва миқдорий ўзгариши, ҳамда нурланишни гемангиомалардаги веноз қон томирларга таъсири натижасида, улардаги склеротик ўзгариш сабабли, ундаги қон оқими тезлиги пасайиши исботланган;

илк бор анемия билан кечувчи гемангиомалар ва уларнинг асоратланган шакллари даволашнинг гемостатик ва косметик жиҳатдан самарадорлиги исботланган;

болаларда камқонлик фонида гемангиомаларни такомиллаштирилган даволаш усули, даволаниш муддатини қисқартириши, узоқ муддатда касалликнинг асоратлари ва қайталаниш хавфини сезиларли даражада камайтириши ва даволаш харажатларини қисқартириши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

муаммоли ҳудудларда жойлашган турли патологияли гемангиомаларни ташхислаш ва даволаш тактикасини танлашда янги алгоритм ишлаб чиқилган ва самарадорлиги исботланган;

ўсма ўсишини тўхтатиш ва уни даволаш мақсадида юз соҳаси гемангиомаларни юқори энергетик лазерлардан фойдаланган ҳолда даволашнинг самарадорлиги исботланган;

юз соҳаси асоратланган ва тўлиқ даволанмаган гемангиомаларини лазерли технологиялар, пластик ва реконструктив жарроҳлик аралашувларидан фойдаланган ҳолда даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқилган.

Олинган натижалар ишончлиги. Илмий тадқиқотда қўлланилган ёндашувлар ва усулларнинг, назарий маълумотларнинг олинган амалий натижалари билан мослиги, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган ретроспектив таҳлили, диалектик, қиёсий таққослаш, мантиқий умумлаштириш, замонавий илмий усуллардан фойдаланган ҳолда беморларнинг умумий ҳолатини баҳолашда, услубий ёндашув ва

прогнозлаш белгиланган стандартларга мувофиқ ва статистик таҳлиллар ҳамда етарли миқдордаги тадқиқотлар билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда фаннинг турли соҳаларида, амалий соғлиқни сақлашда, ўқув жараёнида, хусусан, режали ва шошилиш тиббий хизматнинг жарроҳлик бўлимлари амалиётида қўлланилиши мумкин. Ишнинг айрим натижалари талабалар, магистрлар, клиник ординаторлар ва курсантларни ўқитиш дастурларининг мазмуни ва тузилмасини такомиллаштириш орқали илмий асослашнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти камқонлик фонидаги гемангиомаларни ташхислаш ва даволашнинг ишлаб чиқилган янги алгоритмдан фойдаланиш клиник аломатларни дастлабки муддатларда идентификациялаш, операциядан кейинги даврдаги касалликни қайталанишини камайтириш, 96 % ҳолларда яхши натижаларга эришиш ва 95 % беморларда даволашни амбулатор шароитда олиб бориш имконини бериши натижасида ўз навбатида болаларни даволаш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар сарфини камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2023 йилдаги 3 февралдаги 112-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига РИО ва РИАТМ директори томонидан 2023 йилдаги 3 февралдаги 112-сонли хат юборилган):

биринчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: қон ивиши бузилишларини паст интенсив лазерли нурланиш билан коррекция қилганда қон ивиш вақтининг нормал қийматларга интилиши фақат бошланғич гиперкоагуляцияли беморларда, бошланғич паст гемостатик кўрсаткичларга эга беморларда эса ивишнинг нормаллашуви фақатгина қисқа муддатли лазерли нурланишдагина юз беришига асосланган лазеротерапия усули ишлаб чиқилган; илмий янгиликнинг аҳамияти: юз соҳаси гемангиомасини камқонлик билан бирга кечиши бўйича пастинтенсив лазерли нурланиш билан даволаш натижасида ўсмадан қон кетиш каби асоратларни камайтиради ва реабилитация жараёнини тезлашишига олиб келади (Ихтиро патенти № DGU 21376 (16.12.2022й.); Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: юз соҳа гемангиомалари аниқланган камқонлик билан кечган беморлар учун ишлаб чиқилган пастинтенсив лазерли нурланиш усули Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Андижон филиали болалар онкология (17.02.2023 й.; № 18/1) бўлими амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: юз соҳаси гемангиомаларини даволашда ПИЛН қўллаш орқали аънанавий усулда учраши мумкин бўлган асоратлар (операцияда қон йўқотилиши, касалликни қайталаниши, операция соҳасида чандиқлар ва функционал бузилишлар)ни сонини минималлаштиради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги

қуйидагилардан иборат: Тавсия этилган даволаш усули беморларни амбулатор шароитда катнаб даволаниши, доволанишдан кейин реабилитация вақтини камлиги ва медикаментоз даволарни қисқариши ҳисобига умумий сарф харажатларни камайтириш имконини беради; тадқиқот учун танланган ва таклиф қилинган усулда даволанган беморларда (65 та) даволаниш учун кетган харажатлар 110 460 000 сўмга ёки ҳар бир бемордан 1704000 сўмга иқтисод қилинади. Бир йилдаги мурожаатлар сонига нисбатан эса (22 та бемор), тадбиқ масштаби бўйича жами йиллик иқтисодий самарадорлик 37 488 000 сўмни ташкил қилади. Хулоса: янги пастинтенсив лазерли нурланиш жорий қилиниши бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 704 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Болалар юз соҳаси гемангиомасини камқонлик билан бирга кечишида паст интенсивли лазер нурини қўллаш билан комплекс даволаш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига РИО ва РИАТМ директори томонидан 2023 йил 3 февралдаги 112-сон хат юборилган.

иккинчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: юз соҳа гемангиомаларни камқонлик билан кечган болаларда инфрақизил диапазондаги юқори энергетик лазерлардан фойдаланган ҳолда бўлиши мумкин бўлган кўплаб асоратлар (ўсмадан қон кетиш, реабилитация даврининг чўзилиши, ногиронлик кўрсаткичининг камайиши) ни олдини олиш ва даволашнинг янги усули ишлаб чиқилган; илмий янгиликнинг аҳамияти: инфрақизил диапазондаги юқори энергетик лазерлардан фойдаланган ҳолда камқонлик билан кечувчи гемангиомаларни даволаш амалиётларини бажариш режалаштирилган бошқа даво усуллари билан самарадорлиги билан фарқ қилади. илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Андижон вилояти филиали болалар онкология ((17.02.2023 й.; № 18/1) бўлими амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: операциядан кейинги реабилитация сифатини ошириш; беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш; беморларни шифокор қабулига такрорий қатновлар сонини частотасини 50–60 % гача камайтиради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: даво жараёнида бўлиши мумкин бўлган асоратларни олдини олинишига кўра 1 нафар бемор учун 2 200 000 сўм иқтисод қилинди (даводан кейинги гемотрансфузия, госпитализация кун), бу эса йилига умумий беморларнинг 20% ногиронликни камайтиради ва беморлар умумий харажатларини 143 000 000 (65 нафар бемор учун) сўмга иқтисод қилади). Хулоса: янги жаррохлик амалиётининг жорий қилиниши бир нафар бемор ҳисобидан бюджет маблағларини 2 200 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 4 300 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Болалар юз соҳаси гемангиомасини камқонлик билан бирга кечишида паст интенсивли лазер

нурини қўллаш билан комплекс даволаш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига РИО ва РИАТМ директори томонидан 2023 йил 3 февралдаги 112-сон хат юборилган.

учинчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: камқонлик билан кечувчи асоратланган гемангиомаларни лазерли нурланишдан кейинги даврда омилнинг периферик қон таркибидаги дискоцитларнинг дегенератив ва миқдорий ўзгариши, ҳамда нурланишнинг гемангиомалардаги веноз қон томирларга таъсири натижасида улардаги склеротик ўзгариш сабабли ундаги қон оқими тезлиги пасайиши исботланган; илмий янгиликнинг аҳамияти: асоратланган гемангиомаларда нормал дискоцитлар сони янада юқори даражада камайди ва дегенератив ўзгарган шаклларнинг сони эса 15 мартага ортди. дискоцитлар сонининг келгусидаги камайиши кузатилди. веноз қон оқимида даволашга қадар тезлик, даволашдан кейинга нисбатан юқори бўлиб, даво самараси сезиларли даражада яхши бўлди. илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Андижон вилояти филиали болалар онкология (17.02.2023 й.; № 18/1) бўлими амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: операциядан кейинги асоратлар ривожланишининг олдини олиш чораларини белгилайди; операциядан кейинги даврда самарали даво ўтказилганлиги сабабли, касаллик қайталаниши ва муолажа учун санокли марта мурожаат қилинишига олиб келади; ушбу амалиётдан кейин юз соҳаси косметик сифатини яхшилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Болаларда юз соҳаси гемангиомасини анъанавий усулда жаррохлик йўли билан даволаш учун (қайта мурожаатларни инобатга олган ҳолда) ҳар бир беморга кутилаётган жами сарф-харажатлар ўртача 648 000 сўмни ташкил қилади. Таклиф қилинаётган усулда эса ушбу қиймат 146 000 сўмни ташкил қилади, яъни харажатларни 4,5 мартага камайтириш имконини беради. Хулоса: янги жаррохлик амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 145 315 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 322 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Болалар юз соҳаси гемангиомасини камқонлик билан бирга кечишида паст интенсивли лазер нурини қўллаш билан комплекс даволаш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига РИО ва РИАТМ директори томонидан 2023 йил 3 февралдаги 112-сон хат юборилган.

тўртинчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: болаларда камқонлик фонидagi кечувчи асоратланган гемангиомани замонавий ташхислаш ва даволашнинг янги алгоритми ишлаб чиқилган; илмий янгиликнинг аҳамияти: камқонлик фонидagi гемангиомани ташхислаш ва даволашнинг ишлаб чиқилган янги алгоритми ижобий косметик натижалар

билан тўлиқ даволаниб кетишга 90%, жарроҳлик аралашувлари натижасида қон кетишининг олдини олишда 95% ва яхши функционал натижаларга эришишга 98% ҳолатда имкон беради. илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Андижон вилояти филиали болалар онкология (17.02.2023 й.; № 18/1) бўлими амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: даво манипуляциясининг ташхислаш ва даволашга нисбатан янги алгоритмини қўллаш орқали асоратлар ва косметик жиҳатдан қониқарли натижалар олишни таъминлайди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: камқонлиги мавжуд болаларда юз гемангиомаларини лазерли ФДТ билан даволашга асосланган усулда даволашдан кейинги узок муддатларда касалликнинг қайталаниш даражасини 6 тадан 1 тагача камайтиришга эришилган. Таклиф қилинаётган технологиянинг тадбиқ қилиниши натижасидаги иқтисодий самарадорлик болаларнинг касаллик туфайли ногиронлик даражасини камайтириши билан изоҳланади, яъни ногиронлик туфайли жисмоний лаёқатсиз болалар сони мазкур тадқиқот доирасида 5 тага камайган. Хулоса: 1 нафар ногирон болага тўланадиган нафақа миқдори 648 000 сўм («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги Қонуни, 7.10.2022 й.) эканлигидан келиб чиқилса, тадбиқ доирасида 1 бемор хисобидан йиллик умумий 8 376 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Болалар юз соҳаси гемангиомасини камқонлик билан бирга кечишида паст интенсивли лазер нурини қўллаш билан комплекс даволаш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига РИО ва РИАТМ директори томонидан 2023 йил 3 февралдаги 112-сон хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та маҳаллий чет-эл иштирокидаги илмий-амалий конгресс ва анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Илмий тадқиқот натижаларини нашр қилиш: Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, улардан 4 таси Республика ва 4 таси хорижий журналларда, 1 та дастурий патент, 4 та тезис илмий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Гемангиомаларни даволашнинг замонавий усуллари”** деб номланган биринчи бобда диссертация мавзуси бўйича тегишли маҳаллий ва хорижий адабиётлар муҳокамаси келтирилган. Юз соҳаси гемангиомалари (ЮСГ) юз-жағ жарроҳлиги соҳасининг ҳал этилмаган муаммоси ҳисобланади. Ушбу патологияга нисбатан ҳал қилинмаган ва кутилаётган тактика масаласи қимматли вақт йўқотилиши ва касаллик ривожланишига олиб келади. Табиийки, катта ўлчамдаги ва асоратланган гемангиомалар (ГА) яхши косметик натижалар билан радикал даволашда етарлича мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради. Болаларда ГАни даволашда тадбиқ этилган актив даволашда оптимал усул мавжуд эмаслиги билан чекланади, чунки маълум усулларнинг ҳеч қайси бири янги туғилган чақалоқ организми учун хавфсизлиги билан бирга ижобий косметик самарани кафолатламайди. ЮСГлари кўпинча ўсма юзаларини яраланиш ва чандиқланиши билан асоратланади. Янги технологиялар жорий қилинмасдан ГАларни даволаш муаммоларини ҳал қилиш имконсиз ҳисобланади, шу сабабли инфрақизил (ИК) лазерларни бошқа даво усуллари билан биргаликда қўллаш қизиқиш уйғотади.

“Материаллар ва текшириш усуллари” деб номланган иккинчи бобда материаллар ва текширув услублари баён қилинган. Илмий иш 2017-2022 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академияси “Хирургик касалликлар” кафедраси (1-сон Тошкент шаҳар шифохонаси базасида) ва Андижон давлат тиббиёт институти “Онкология ва тиббий радиология” кафедрасида (Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Андижон филиали) бажарилди. Илмий изланишда ИҚ нурланиш (CO_2 , NDYAG, Pulse dye laser) асосида юқори энергияли лазерлар билан ФДТ биргаликда юз соҳасида жойлашган гемангиомаларни даволашда қўлланилган.


Биз ишимизда гемоглобиннинг қондаги миқдори бўйича камқонлик таснифидан фойдаландик, 1- жадвал:

Тадқиқотимизда олинган болалардаги анемия этиологик жиҳатдан кўпқолларда (80 %) темир танқислиги сабабли эканлиги аниқланди.

**Қамқонлик оғирлигининг лаборатор мезонлари
(постнеонатал даврдаги болалар учун)**

Қамқонликнинг оғирлик даражаси	Капилляр қондаги гемоглобин даражаси, г/л
Енгил	Камида 90
Ўрта	70-90
Оғир	<70

Даволашнинг лазерли усуллари 90-йилларнинг бошларидан кенг қўлланила бошланди. ГАни даволашда биринчи бўлиб CO₂, Nd YAG юқори энергетик лазерларидан фойдаланилди, лекин уларнинг кўрсатмалари гипертрофик чандиқлар ҳосил бўлиши эҳтимоли билан чекланган. Қўлланилаётган юқори энергетик лазерлар – бу: АИГ, аргонли, қизил лазерлар, CO₂ лазер, шунингдек, IPL импульсли лампалари. Т.Ohshiro га кўра лазер нурини тарқатишнинг биологик ҳужайрага кириш чуқурлиги нурланиш тўлқинининг узунлигига боғлиқ (1-расм).



1-расм. Лазерли нур тарқатишнинг биологик ҳужайрага кириш чуқурлиги

Лазер тарқатувчи CO₂, NDYAG, Pulse dye laser қурилмалар даволаш ва профилактика муассалари учун тиббий ускуна сифатида ишлаб чиқарилган. Лазер қурилмалари Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 07.01.2011 йилдаги 2177 – сонли “Тиббиёт техникасидан фойдаланиш, монтаж қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақидаги” буйруғидаги “Лазер қурилмаларидан фойдаланишда хавфсизлик талаблари”га мос келади.

Метилен кўки, 5-ALA фотосезгир воситаларининг ютилиш спектрини ўрганиш «Beckman» компаниясининг (АҚШ) Acta-C-III спектрофотометр ускунасида амалга оширилди.

Беморларнинг ёш контингенти чақалоклик давридан тортиб 16 ёшгача бўлган беморлар гуруҳини ташкил этади. Умумий беморлар сони 110 та. Қиз болаларда учраш частотаси 58 %, ўғил болаларда эса 42 % ни ташкил этиб ёш тақсимоти бўйича 2- жадвалда келтирилгин.

2 - жадвал

Беморларни ёши бўйича тақсимлаш.

Ёш гуруҳи	Асосий гуруҳ		Қиёсий гуруҳи	
	Беморлар сони	Частотаси (%)	Беморлар сони	Частотаси %
Чақалок	20	31	4	9
Кўкрак ёшидаги	23	35	10	22
Мактаб ёшидан олдинги	8	12	15	34
Мактаб ёшигача	5	8	10	22
Кичик мактаб ёши	6	9	4	9
Катта мактаб ёши, ўсмирлик даври	3	5	2	4
Жами	65	100 %	45	100 %

Беморларни 2 та гуруҳ, яъни асосий ва қиёсий гуруҳларга ажратилди. 65 нафар асосий гуруҳ беморга даволашни янги технологияларини фойдаланган ҳолда ўтказилди. Қиёсий гуруҳ 45 нафар беморлардан ташкил топган (фақат медикаментоз даволаш).

Гемангиомаларнинг турли шакллари билан клиникага мурожаат қилган беморларга **текширишнинг қуйидаги усуллари** қўлланилди:

1. Умумклиник ва лаборатор текширувлар, ташхислашнинг нур ва инструментал усуллари.

2. Даволаш динамикасида гемангиомани рақамли суратга олиш.

3. Планиметрик текширув.

4. Флуоресцент ташхислаш.

5. Ретроспектив таҳлили

6. ВАШ визуал аналог шкала таҳлили.

7. Статистик усули.

Диссертациянинг «Мавжуд гемангиомаларни ўрганиш натижалари. Ретроспектив таҳлил. Медикаментоз даволаш самарадорлигини баҳолаш» деб номланган учинчи бобда гемангиомаларнинг пайдо бўлиши тўғрисида маълумотлар келтирилган – ўғил болаларда гемангиомалар туғилишдан бошлаб 2-4 ҳафта ичида ва камроқ ҳолларда– кейинги даврда пайдо бўлиши аниқланди. Қизларда 2-4 ҳафталик даврда гемангиома ўсиши бошланган ҳолатлар сони сезиларли даражада катта ($\chi^2=12,83$; $p<0,05$) ва бу даврда унинг пайдо бўлиш хавфи туғилганидан қараганда 2,07 баравар кўп ($\chi^2=12,83$; $p<0,05$) ва кейинги даврга қараганда 4,14 баравар кўп ($\chi^2=35,17$;

$p < 0,05$). Бутун гуруҳда гемангиома пайдо бўлишининг энг кўп ҳолатлари туғилишдан 2-4 ҳафта ўтгач содир бўлади (3 - жадвал).

3-жадвал

Гемангиома билан оғриган беморларнинг жинси ва гемангиома ўсиши бошланиш даври бўйича тақсимланиши, (%)

Жинси	Гемангиома ўсишининг бошланиш даври		
	туғилганида	2-4 ҳафатлик даврида	4 ҳафтадан кейин
Ўғил болалар, %	43±7,7	43±6,8	14±3,9* $\chi^2=7,73$
Қизлар, %	28±5,5*	58±4,9 $\chi^2=12,83$	14±2,5* $\chi^2=35,17$
Жами, %	35±5,1* $\chi^2=9,73$	51±4,6	14±2,9* $\chi^2=41,68$

Эслатма. * – гемангиома ўсишининг 2-4 ҳафтада ва бошқа вақтларда бошланиши ҳолатидаги фарқлар ишончли ($p < 0,05$).

Болаларнинг 32 фоизида гемангиомаларнинг клиник белгилари туғилиш пайтида қайд этилган ва қизил доғлар ёки шаклланган кўринишида бўлган, 54 фоизида улар ҳаётнинг иккинчи ҳафтасидан кейин ва икки ойгача пайдо бўлган. Гемангиомаларнинг клиник кўринишлари ўчоқларнинг чуқурлиги ва тарқалишига боғлиқ эди. Юзаки ўчоқлар текис шаклланишлар ёки терининг юзасида дўнгсимон кўринишдаги шаклланишлар мавжудлиги билан ажралиб турарди. Ранги қизилдан бинафша ва цианотикгача бўлган. Босилганда ранг оқариб кетган. Янги ўчоқларнинг қирралари турли хил эди. Тери ости гемангиомалари терида минимал капилляр қон томир нақшлари билан ёки умуман ўзгаришсиз кўк шиш пайдо бўлиши билан ажралиб турарди. Аралаш шаклланишлар терининг ости қисмида ҳам, юзаки қисмида ҳам кузатилган.

Гемангиома ва ёндош анемия билан оғриган болаларнинг 67 та касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилинди. Гемангиомалар кўпинча ёноқ соҳаси (28,0% болалар), шунингдек пешона (22,0%) ва чакка (19,0%) да локализация қилиниши аниқланди. Ҳар бир ёш гуруҳида, шунингдек, бутун тадқиқот гуруҳида қизларнинг аксарияти ишончли эди.

Ретроспектив гуруҳдаги беморларда гемангиомани олиб ташлаш энг кўп қўлланиладиган усул жарроҳлик усули бўлди. У 53,0% ҳолларда қўлланилган. Қўлланиш частотаси бўйича иккинчи ўринда болаларнинг 17,0 фоизини даволашда ишлатиладиган кортикостероидларни ўсимта ичига юбориш усули эди.

Ретроспектив тадқиқот таҳлили шуни кўрсатдики, энг яхши косметик таъсир тизимли -адреноблокатор терапияси ва кортикостероидларни ўсимта ичидаги юбориш орқали олинган. Жарроҳлик усуллари қониқарли ёки бироз яхшироқ натижага эришишга имкон берди. Ўғил болалар гуруҳида визуал аналог шкала бўйича ўртача балл (ВАШ) (63±14) балл,

қизлар гуруҳида (59±13) балл, яъни гемангиомани даволаш натижаларида олинган косметик таъсир бўйича гендер фарқлари аниқланмаган. Косметик натижаларни ВАШ бўйича баҳолашда яхши натижа фақат 1,0% ҳолларда қайд этилади. 15,0% ҳолларда қониқарли натижа, 81,0% ҳолларда гемангиомани даволашда яхши натижасига эришилди (50 90 балл).

Шундай қилиб, ретроспектив гуруҳдаги болаларни даволаш натижаларини таҳлил қилиш бизнинг тадқиқотимизда иштирок этган болаларга қараганда камроқ косметик таъсир га эришилганлигини кўрсатди (ВАШ=98 балл).

Ушбу бобда, шунингдек, қиёсий гуруҳдаги болаларни медикаментоз даволаш натижалари келтирилган. Биз гемангиома билан оғриган беморларни даволадик, унга кўра болаларга турли хил даволаш усуллари табақалаштирилган ҳолда буюрилди, танлов боланинг ёшига, фаоллигига, морфологик хусусиятларига, гемангиоманинг локализациясига ва оналарнинг хоҳишларига қараб белгиланди.

Консерватив даволанишнинг қуйидаги усуллари қўлланилди:

- β-адреноблокатор билан тизимли даволаш;
- β-адреноблокатор билан маҳаллий даволаш;
- β-адреноблокаторни маҳаллий қўллаш билан биргаликда кортикостероидларни гемангиома тўқималарига танлаб юбориш.

4 –жадвал.

Гемангиомаларни β-адреноблокатор (пропранолол)билан тизимли даволаш схемаси

Жорий назорат билан стационар даволанишни бошлаш	
Аввал ўтказилган тадқиқотлар:	
ЭКГ, юрак ултратовуш текшируви, кардиолог билан маслаҳатлашиш	
Тери ости ёки чуқур локализация ГА доплер сонографияси, СКТ	
Дозлаш схемаси:	Препаратни қабул қилиш тенг дозаларда овқатдан кейин
1 сутка –0,5 мг/кг дан	
2 сутка –1,0 мг/кг дан	
3 сутка –2,0 мг/кг дан	
Ҳар бир дозадан кейин дозани ошириш даврида назорат: қон босими, юрак уриши ва қон глюкоза	
Амбулатор даволаш босқичида назорат тадқиқотлари	
Биринчи ойда-ҳар ҳафтада, кейин эса ойига 2 марта: юрак уриши, қон босими	
Ҳар ой-Г ўзгаришлар динамикасини баҳолаш, тери ости ёки чуқур локализация бўлганда ГА доплер сонографияси	
Ҳар ой-тана вазнининг ўзгаришига қараб препаратнинг дозасини тузатиш	
Даволашни якунлаш	
Қабул қилишнинг аста-секин ҳафталик пасайтириш, аввал икки дозага, сўнгра кунига бир дозага камаяди	

β -адреноблокаторлар билан тизимли терапия схема бўйича 7 нафар бемор томонидан қабул қилинган (4- жадвал).

β -адреноблокатор (пропранолол) билан тизимли даволаш текширув ўтказилгандан сўнг касалхонада буюрилган. Ушбу турдаги даволаш кўрсаткичларнинг ишончли ўзгаришига олиб келди. sFasL кўрсаткичи ишончли равишда 2 мартадан ошди ва sFas деярли ўзгармади. ВАШ 65% га ошди.

